Валийлар талқинида яхшилик ва ёмонлик

05:00 / 14.03.2017 4947

Ёвузлик нима ёки нега инсоният яралгандан токи шу даврга эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш боради, ёмонликни қандай мавҳ этиш мумкин? Ўз даврининг буюк мутафаккирлари ушбу саволларга жавоб излаганлар ва жумбоқнинг ечимини инсоннинг ўзидан топганлар.

Одамнинг табиатида яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам мавжуд. Агар одам яхшилик йўлини тутса, Аллоҳнинг амрига бўйсуниб, шайтондан юз ўгиради. Ёмонлик сари юрса, шайтоннинг қули бўлади.
Қуръони Каримга кўра, «Барчалари Аллоҳга қайтгувчилардир»,(Қуръони Карим. Анбиё сураси, 93-оят. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 295.) яъни ҳамма нарса Аллоҳнинг яратиғи ва ҳамма нарса Унга қайтгувчидир. Румийнинг таъкидлашича, ёвузлик – Аллоҳнинг яратиғи, аниқ мақсад билан оламда ва инсонда мавжуд. Ёвузликнинг мавжудлиги Аллоҳнинг мукаммаллигидандир, яъни ёвузликнинг мавжудлиги Аллоҳнинг чексиз илоҳий қудрати, билими ва яхшиликни намойиш этади.
Ҳадиси қудсийда «Эй одам фарзанди! Албатта мен бир махфий кон эдим, бас, ўзимни ошкор этиб танилайин, деб ирода қилдим ва бутун халқни яратдим» дейилган (Ҳадиси қудсий. – Т.: Мовароуннаҳр, 1992. – Б. 24.). Борлиққа назар ташлаган ҳар бир тафаккур эгаси Аллоҳнинг чексиз қудрати ва тажаллисини кўради. Ҳар бир нарса Аллоҳнинг иродасига биноан маълум бир макон ва замонга, шунингдек, маълум шакл (сурат) ва мазмунга (маъно) эга.
Ислом ақидасига кўра, Аллоҳнинг зот ва сифатлари фарқланади, яъни Аллоҳни Аллоҳдан ўзга зот билмайди. Аллоҳнинг сифатлари «Асмои ҳусна»да мужассам. Қуръон оятларида табиат ҳодисалари ва инсон руҳиятининг ботиний жараёнлари илоҳий рамз-ишораларда баён этилган. Унинг моҳиятига етган сари инсон ўзининг табиатнинг бир бўлаги эканлигини англайди ва унга Аллоҳ томон йўл очилади.
Аллоҳнинг «Раҳийм» сифати унинг «Қаҳҳор», «Рофиъ» (улуғловчи) сифати «Ҳафид» (камситувчи), «Мўмийт» (Ўлдиргувчи) сифати «Муҳйи» (тирилтиргувчи), «Муқаддим» (олдинга сурувчи) сифати «Муаххир» (орқага сурувчи), «Аввал» сифати «Охир», «Зоҳир» сифати «Ботин» сифатида намоён бўлади, яъни фақат яхшилик ёхуд фақат ёмонлик бўлса, ҳаётнинг мезони бузилган бўларди. Аллоҳнинг “раҳмоний” ва “қаҳҳорий”

исмлари ўртасидаги муносабат яратиқларнинг қарама-қаршилик тартибида рўй беради, қарама-қаршилик орқали нарса-ҳодисалар моҳияти англашилади. Демак, оламдаги мавжуд нарса-ҳодисалар қарама-қаршисига муҳтож, ана шунда улар тушунарли ва аниқ бўлади.

Ҳар бир йўқликда мавжудлик яширинган, ғазабнинг моҳиятида худди оддий чиғаноқ гавҳарни яширганидек шафқат яширинган. Айнан ана шу илоҳий қарама-қаршилик туфайли ҳаёт мавжуд. Уруш ва тинчлик, қўрқув ва нажот, очлик ва тўқлик – булар бири-бирисиз ҳеч бир маънога эга эмас. Шунингдек, яхшилик ҳам ёмонлик бўлмаганда тушунарсиз ва аҳамиятсиз бўларди, ва аксинча.

Мулоҳазаларимиздан аён бўладики, ёмонлик ёхуд ёвузлик инсонга яхшиликни том маънода англашга, ҳар бир нарсада икки жиҳатнинг мавжудлигини тан олишга, ўз моҳиятини теран тушунишга имкон яратади. Шу маънода ёмонлик яхшиликни англаш учун хизмат қилади.

Ўз-ўзидан савол туғилади: ёмонликнинг мавжудлиги Аллоҳнинг номукаммаллиги белгисими? Йўқ, аслида ёмонликнинг мавжудлиги Аллоҳнинг ҳақиқий қудратининг тасдиғидир. Оламда мутлақ яхшилик ва мутлақ ёмонлик бўлиши мумкин эмас, ҳамма нарса нисбийликда. Мутлақлик фақат Аллоҳга хос, яъни қарама-қарши кучига эга бўлмаган, Ўзини борлиқда ошкор қилган, барча қарама-қаршиликлар устидан ҳукмрон.

Инсон – ўзида ҳайвоний ва илоҳий сифатларни мужассамлаштирган, Аллоҳнинг «Ўз суратида яратган» яратиғи. Инсонда ақл, нафс, руҳ ўртасида тинимсиз кураш боради. Улардан қай бири устунлиги инсоннинг ўзига боғлиқ. Жумладан, орифлар ўзларидаги илоҳийликка, руҳ тарбиясига эътибор қаратадилар ва руҳ нафс ва ақлдан устунликка эришадилар. Уларда Аллоҳнинг исм ва сифатлари акс этади. Зеро, инсон – юксак сифатларнинг устурлоби, Аллоҳ оятлари, далилларининг кўринишидир:

Одам – устурлоби васфи зотидир,
Васфи одам – мазҳари оётидир.
Ҳар неким инсонда, андин акс этар,
Бўйлаким, ой сувда қалқиб рақс этар. (Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Олтинчи китоб / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т.: «Ал-худо» халқаро нашриёти, 2004. – Б. 278.)

Демак, инсоннинг инсонлиги шундаки, у эришган даражасидан ҳаргиз қаноатланмайди, билим олиш, нафсни енгиш, маънавиятини юксалтиришга интилади. Ахлоқий комиллик ва мусаффоликка эришган инсон янги

мақомларга кўтарилади ва Аллоҳнинг маърифат хазинасидан баҳраманд бўлади.

Замирахон ИСҲОҚОВА
докторант-тадқиқотчи